

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2025 йил ноябрь ойининг 11 куни, Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи Х.Халиков, судья ёрдамчиси А.Шайзаковнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бекобод шаҳар прокурорининг ёрдамчиси [REDACTED], (судланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи) адвокат [REDACTED] иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “м” банди билан айб эълон қилинган:

[REDACTED] йилда Тошкент вилояти, [REDACTED] туғилган, [REDACTED], Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар Самарқанд маҳалласи, [REDACTED] яшовчи, иши бўйича “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 29.10.2025 йилда олган [REDACTED]

нисбатан 1-1102-2501/244-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларига ҳуқуқий баҳо бериб, жиноят иши ҳужжатларини тафтиш қилиб, тарафларнинг музокарасини ҳамда судланувчиларнинг охириги сўзларини тинглаб, суд қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] 2025 йил 26 июль куни тунги соат 01:00 ларда ўзининг Бекобод шаҳар [REDACTED] бўлган вақтида, унинг уйига меҳмонга келган узоқ қариндоши [REDACTED] билан спиртли ичимлик истеъмол қилиб ўтирган вақтда, маст ҳолатда [REDACTED] билан ўзаро гап таллашиб жанжаллашиб қолиб, жанжал давомида [REDACTED] чап оёғи сон қисмига ошхона пичоғи билан зарба бериб, бош, юз, кўкрак қафаси қисмига муштлаб уриб, тепиб-дўппослаб, [REDACTED] қасддан ўртача оғир тан жароҳати етказган.

Натижада [REDACTED] олган тан жароҳати билан Бекобод туман шифохонасига мурожаат қилган.

Судга оид тиббий экспертизасининг [REDACTED] йилдаги 973-С-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, ўнг кўз юқори қовоқ соҳаси санчилик-кесилган жароҳати, иккала кўз қовоқлари, бурун, иккала кулоқ супралари юмшоқ тўқималари лат ейиши ва тери ости гематомаси, кўкрак қафаси ёпиқ жароҳати, чапдан 10-қовурғаси ёпиқ синиши турига кўра ўтмас каттиқ жисм таъсиридан, шунингдек чап сон соҳаси санчилик-кесилган жароҳати турига кўра санчувчи-кесувчи жисм таъсиридан юзага келганлиги аниқланган, оғирлик даражаси бўйича ўртача



оғир тан жароҳатлари сифатида баҳоланган.

Суд мажлисида судланувчи [REDACTED] ўғли унга нисбатан эълон қилинган айбга тўлиқ иқрорлик билдириб, ўз кўрсатмасида [REDACTED] тоғасини куёви бўлиб, почча хисобланиши, [REDACTED] роталиев билан ёшлигидан бери танишлиги, 2025 йил 25 июль куни соат 10:00 ларда [REDACTED] телефон қилиб, “тез бозорга кел” деганлиги, сабабини айтмагани, [REDACTED] исмли ўртоғи билан бозорга осма кўприк олдига боришганлиги, [REDACTED] билан салом-алиқдан сўнг “бирга пиво ичамиз, пиво ичгани чақирдим” деганлиги, [REDACTED] “кўчада спиртли ичимлик ичмайман, келибсиз меҳмон бўлиб, уйда мени продуктам бор, битта ароқ олсангиз, уйда ўтириб ичамиз, уйда овқат қиламан” деганлиги, бозорлик қилишганлиги, [REDACTED] битта 0,7 л ароқ олганлиги, кейин уни уйига кетишганлиги, овқат пишишига озгина қолганида тўртталаси ароқ ичганлиги, овқатни ҳаммаси бирга ўтириб еганидан кейин, [REDACTED] “биз кетамиз, биз билан юринг меҳмон қиламан, уйда қурилиш қилаяпман, акфа эшик олишим керак, кеч бўлиб кетди, кетайлик” деганлиги, соат 13:30 ларда бозорга қурилиш моллари дўконига уч киши боришганлиги, битта акфа эшик олишганлиги, Б.Мураталиев уйигача такси гаплашганлиги, эшикни ортиб унинг уйига Бекбод тумани [REDACTED] маҳалласига боришганлиги, Б.Мураталиевни олдида келган [REDACTED] уста бола бўлиб, эшикни Б.Мураталиев иккаласи қўйганлиги, унгача [REDACTED] уйидагилар билан салом алик қилиб, ўша ерда телефон ўйнаб ётганлиги, соат 17:30 ларда Б.Мураталиев билан [REDACTED] иккаласи “балиққа борамиз” деганлиги, ўзларини маҳалласидаги балиқ пиширадиган ошхонага уччаласи бориб ўтиришганлиги, спиртли ичимлик пиво истеъмол қилишганлиги, соат 21:00 ларда, [REDACTED] “уйга кетаман” деганида, у “бирга ўтирадиган киз йўқми” деб сўраганлиги, унга таниши борлигини айтганлиги, у кетмоқчи бўлганида, [REDACTED] ҳам у билан Бекобод шаҳарга уйига келганлиги, келгунича бирга ўтириш учун [REDACTED] исмли танишини уйига чақирганлиги, [REDACTED] билан Бекобод шаҳарга келиб, дўкондан учта 1,5 литрли пиво олишганлиги, ёнига семичка, қурт ва сигарет олганлиги, [REDACTED] уйига соат 23:00 ларда келганлиги, унинг уйида [REDACTED] уччаласи ўтирганлиги, овқат қилгани ошхонага чиққанлиги, орада кириб-чиқиб пиво ичиб юрганлиги, орада [REDACTED] билан [REDACTED] иккаласи келиша олмаганлиги, [REDACTED] “мен бу ерга ётгани келмадим” деганлиги, [REDACTED] “мен бўлмаса нега шунча расход қилдим” деганлиги, [REDACTED] “қанча расход қилдинг, айт мен бераман, одамга ўхшаб ўтирсаларинг ўтирларинг, бўлмаса мен кетай, бўлмаса меҳмон бўлиб ўтирайин” деганлиги, у [REDACTED] “нимага қилган расходингни гапираяпсан, нимага тегиняпсан, эртага ёзиб юборса, иккаламиз 118-модда билан кетсак, ҳеч ким бизни кучоқ очиб кутиб олмайди” деганида, [REDACTED] иккаласини ўртасида гап қочганлиги, [REDACTED] онасидан сўка бошлаганлиги, уни юзига шапатилаб уриб, онасидан сўкиб ташлаганлиги, кейин у [REDACTED] юз қисми, биқини, қорни ва оёғига уриб, тепиб йиқитганлиги, [REDACTED] хушидан кетиб қолганлиги, шу орада ошхонага [REDACTED] либ, учи синиқ, жигарранг тахта сопли ошхона пичоғи олиб келиб, чап оёғи



сон қисмига бир марта пичоқ тиқиб олганлиги, орада [REDACTED] икки уч марта ажратмоқчи бўлганлиги, уни аралашмаслигини айтиб, итариб юборганлиги, [REDACTED] хушидан кетганидан кейин, [REDACTED] кўрқиб йиғлаб ўтирганлиги, у [REDACTED] юзига сув сепганлиги, нафас олганлиги, пульсини текшириб кўрганлиги, [REDACTED] ухлаб қолганлиги, [REDACTED] соат 03:30 ларгача ўзига келгунича ўтириб, кейин уйига кетганлиги, эрталаб соат 08:00 ларда [REDACTED] уйғонганлиги, унга қадар уни олдига туғилган кунга олиб кетиш учун уйга ўртоғлари [REDACTED], [REDACTED] келишганлиги, уларни уйга киритмаганлиги, [REDACTED] турганидан кейин уни ваннага олиб кирганлиги, ювинганлиги, уйига кетишини айтданида “бу ахволда қандай борасиз уйга” деганлиги, [REDACTED] “ўзим маст эдим, даъво қилмайман” деганлиги, “бундай ахволда жўнатиб юбора олмайман” деб аптекага бориб, лекопластр, сенопласт, перикс олиб келиб, уни жароҳатларини тозалаб, сенопласт билан ёпиб қўйганлиги, [REDACTED] кейин такси чақириб уйига кетганлиги, [REDACTED] ёрдам кўрсатганлиги, ундан кечирим сўраганлиги, қилган ишимдан чин қўнгилдан пушаймонлиги, ҳозирда жабрланувчи билан ўзаро келишиб ярашиб олишганлиги, жабрланувчининг даъвоси йўқлиги, жабрланувчи ҳозирги кунда Россия Федерациясида бўлганлиги учун суд мажлисига келмаганлиги ҳақида кўрсатув бериб, суддан енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида ВКА режим орқали сўроқ қилинган жабрланувчи [REDACTED] ўз кўрсатмасида у ҳозирда Россия Федерациясида ишлаётганлиги, шу сабабли суд мажлисига кела олмаганлиги, 2025 йил 26 июль куни тунги соат 01:00 ларда [REDACTED] нинг Бекобод шаҳар Самарқанд маҳалласи 12-даҳа, 64А-уй, 2-хонадонига меҳмонга борганлиги ва у ерда у [REDACTED] билан спиртли ичимлик истеъмол қилиб ўтирган вақтда, маст ҳолатда [REDACTED] билан жанжаллашиб қолганлиги, жанжал давомида [REDACTED] унинг чап оёғи сон қисмига ошхона пичоғи билан зарба бериб, бош, юз, кўкрак қафаси қисмига муштраб уриб, тепиб-дўппослаб, унга тан жароҳати етказганлиги, натижада у олган тан жароҳати билан Бекобод тумани шифохонасига мурожаат қилганлиги, ҳозирда соғлиғи яхши эканлиги ва уни [REDACTED] нисбатан ҳеч қандай даъво эътирози йўқлиги ҳақида кўрсатув бериб, суддан [REDACTED] кечиришликни сўради.

Суд, давлат айбловчиси ва ҳимоячининг фикрларини, судланувчи ва жабрланувчининг берган кўрсатувларини тинглаб, иш ҳужжатларида тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, судланувчи [REDACTED] ўғлининг айби, ўз айбига иқроп бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланувчининг берган кўрсатмаси, суд-тиббий экспертизасининг 05.09.2025 йилдаги 973-С-сонли хулосаси, ашъвий далиллар, ариза ва тушунтириш хатлари, юзлаштириш баённомаси, шунингдек, жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланди деб ҳисоблайди.

Судланувчи [REDACTED] совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб қасддан баданга ўртача оғир шикаст



етказишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “м” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Суд, судланувчи [REDACTED] га нисбатан жазо тайинлашда, унинг ёшени, оилавий аҳволини, қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, муқаддам судланмаганлигини инобатга олиб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорига амал қилган ҳолда унга модда санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим деб топди.

Шунингдек суд, судланувчига жазо ўташ даврида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 6-қисмида назарда ҳуқуқий оқибатлар юзага келиши, яъни маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлигини тушунтириб ўтишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона [REDACTED] дискни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашликни лозим деб топди.

Шунингдек суд, жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона ошхона пичоғини суд ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг тегишли тартибда йўқ қилишликни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Х У К М Қ И Л Д И :

[REDACTED]
Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисм “м” банди билан айбли деб топилсин ва унга 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Озодликни чеклаш жазоси [REDACTED] яшаш жойи, яъни Бекобод шаҳар Самарқанд маҳалласи, 12-даҳа, 64А-уй, 2-хонадонда ўташ белгилансин. [REDACTED] иш ва ўқиш вақтидан ташқари вақтда яшаш жойидан чиқиши тақиқлансин.

Жазони ўташ даврида [REDACTED] зиммасига маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, спиртли ичимлик истеъмол қилмаслик каби мажбуриятлар юклатилсин.

Жазони ижро этиш Тошкент вилояти Бекобод шаҳар ИИБнинг Пробация гуруҳи томонидан амалга оширилсин.

Жазони ўташ муддати, маҳкум Бекобод шаҳар ИИБнинг Пробация гуруҳида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.



■ нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

■ жазо ўташ даврида суд томонидан унинг зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 6-қисмига кўра озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Жабрланувчи тарафга етказилган содир этилган жиноят билан боғлиқ моддий ёки маънавий зарарни ундириш бўйича фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг жиноят иши бўйича далилий ашё деб эътироф этилган бир дона ■ диск жиноят ишида сақлансин.

Жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона ошхона пичоғини суд ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, судланган шахс ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида ушбу суд орқали Тошкент вилояти судига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтириши, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят ёки протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

Х.Халиков

Аслига *тўғри*:

